ХАЛҚАРО АРЕНАЛАРДА «МЕН — ЎЗБЕКМАН» ДЕЯ ҲАЙҚИРАЁТГАНЛАР САФИ КЕНГАЯЁТГАНИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУ СОҲАДАГИ ЮТУҚЛАРИ БАРДАВОМЛИГИДАН ДАЛОЛАТДИР

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Milliy tiklanish

1995 йил 10 июндан чиса бошлаган www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz



MILLIY QADRIYATLARGA TAYANGAN TARAQQIYOT!

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ 3

ОФТОБ ЧЕҲРАЛИ ШЕЪРИЯТ СОҲИБАСИ ҲАҚИДА 4

№ 35 (1184) 2022 йил 12 октябрь, чоршанба

НЕГА СЕНАТОРЛАР РАД ЭТГАН ҚОНУНЛАР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ?

Ўзбекистонда 5 нафар туркиялик, Туркияда эса 275 нафар ўзбекистонлик қамоқда ўтирибди... Депутатлар нега бу масалани кўтаришмоқда?

Сенат томонидан рад этилган иккита қонун «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида қайта кўриб чиқилди.

Аввал хабар қилинганидек, «Алкагол ва тамаки маҳсулотларининг тарқалишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Сенат аъзолари томонидан эътироз билдирилганидан кейин икки палата вакилларидан иборат келишув комиссияси ташкил қилинган эди.

Ўтган давр мобайнида ана шу Комиссиянинг бир неча йиғилишлари ўтказилиб, томонлар қонунга бир қатор ўзгартишлар киритдилар. Жумладан, қонуннинг 3-моддаси «тамакили снюс» ва «никотинли снюс» тушунчалари билан тўлдирилди. Қонуннинг бир неча моддаларидаги «вояга етмаганлар» сўзи «21 ёшга тўлмаган шахслар» сўзи билан алмаштирилди.

Давоми 2-бетда

Миллионлаб ёшлар кўз ўнгида айнан Президентимизнинг Давлат Бобоновга олтин медални топшириши юксак эътиборнинг мавсумий эмаслигига яна бир ишора бўлди



ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

Дзюдо бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки соатлари Ўзбекистон спорти учун ўзига хос тарихий воқеа билан бошланди. -90 кг. вазн тоифасида ватандошимиз Давлат Бобонов финалда италиялик Кристиан Парлати устидан ғалаба қозониб, олтин медални қўлга киритди.

Шу ўринда жаҳон чемпионатининг асосий воқеаси саналган ушбу баҳсни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев «Humo» аренасидан бевосита томоша қилганини таъкидлаш жоиз.

Қайд этиш жоизки, Самарқанд дзюдо мактаби тарбияланувчиси Давлат Бобонов дастлаб словакиялик Петер Зилькадан устун келди, сўнгра жанубий кореялик Жеу Оп Ханни иппон эвазига мағлуб этди. Чорак финалда болгариялик Ивайло Иванов ҳам иппон баҳоси билан таслим этилди. Оғир кечган яримфиналда эса Давлат грузиялик Лаша Бекаурини енгди.

Маълумот учун: 25 ёшли спортчимиз "Токио-2020" Олимпиадасида бронза медалини, 2021 йили Будапештда ўтган жаҳон чемпионатида кумуш, Бишкек мезбонлик қилган Осиё чемпионатида эса олтин медални қўлга киритган.

– Финалгача бўлган баҳсларга жуда катта тайёргарлик кўрган эдик, – дейди Давлат Бобонов. – Финалга чиққанимдан кейин бош вазиримиз ёнимга келиб, Президентимиз финални томоша қилиш учун келишларини айтиб қолдилар. Бу хабар мен учун жуда катта рағбат эди. Шунинг учун ҳам ушбу жангда ютқазишга ҳаққим йўқ эканини ҳис эта бошладим.

Давоми 2-бетда

2

1-КУРС ТАЛАБАЛАРИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ

Ижарада турадиган 1-курс талабаларига 2 ойлик ижара компенсацияси ҳеч қандай шартномасиз тўлаб берилади. Ноябрдан бошлаб, ижара шартнома бўлса, кейин компенсация берилади.

7



БУХОРОДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ ЮНЕСКО ЭЪТИБОРИДА

Ваколатхона раҳбари Сара Ношади хоним Бош вазир ўринбосари – Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов ҳамроҳлигида кўҳна ва боқий Бухородаги маданий мерос объектларида бўлди.

8

КЕЛАЖАККА ТУТИЛГАН КЎЗГУ

Аёлнинг бошидан муздек сув қуйилгандек бўлди. Эртаси куни биринчи қилган иши меҳмонлар учун безатилган хонага қайнотасини кўчириб ўтказиш бўлди.

» ОҚИЛА, ИБРАТЛИ 2с. ҚИЗЛАР



» ЗИЁГА ЧОРЛАГАНИ УЧУН 75 ДАРРА КАЛТАКЛАНГАН 7с. МАЪРИФАТПАРВАР



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВОҚЕЛИККА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК!



«Миллий тикланиш» демократик партиясининг навбатдаги ўқуви «Ахборот хуружлари ва уларнинг манбалари, ахборот хуружларига қарши самарали курашни таъминлаш йўналишлари» мавзусига бағишланди.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда «Миллий тикланиш» раҳбарияти ташаббуси билан ҳар ҳафта таниқли олимлар, сиёсатшунослар ҳамда таниқли экспертлар иштирокида сиёсий ўқувлар ташкил этилиб, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати моҳиятини партиянинг барча даражадаги вакилларига тушунтириш, етказиш анъанага айланди.

Партия етакчиси Алишер Қодировнинг фикрича, партиявий ўзгаришлар энг аввало кадрлардан, партия вакилларининг дунёқараши ва ҳар қандай масалага замонавий ёндашувларидан бошланишига эришиш керак.

Мамлакат сиёсий майдонидаги партиялараро рақобатдан тортиб, дунё сиёсий саҳнасида рўй бераётган воқеа ҳодисалар ва бу жараёнда Ўзбекистон позицияси моҳиятини англаш сиёсий партиялар учун бирламчи масаладир.

Таниқли сиёсатшунос Камолиддин Раббимов иштирок этган тадбирда Фуқаролик жамиятида сиёсий партиялар роли кучли бўлиши лозимлиги, жумладан, «Миллий тикланиш» ҳам ана шундай кучлилар сирасига кирадиган партиялардан бир эканлиги қайд этилди.



КЎЧАДА ҚОЛГАН БЎЛСАКДА, ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТЯПМИЗ... 6

НЕГА БУЗИБ ЁЗИЛГАН ТАРИХ ХОРАЗМ САҲНАСИГА КЎЧИРИЛМОҚДА?! 4

2022 йил 12 октябрь ҳолатига 1 АҚШ доллари 11084.06. 1 ЕВРО 10751.54. 1 Россия рубли 173.53. 1 Англия фунт стерлинги 12242.34. 1 Япония иенаси 76.06.

ISSN 2010-7714

Milliy tiklanish
ижтимоий-сиёсий газетаси

Чоршанба
12 октябрь, 2022 йил
№35 (1184)

Ҳукуматлараро битим 24 та моддадан иборат бўлиб, унда маҳкум ҳукм чиқарилган томон ҳудудидан ҳукм ижро этиладиган томон ҳудудига жазони ёки унинг қолган қисмини ўташ учун топширилиши бўйича тартиблар белгиланмоқда.

НЕГА СЕНАТОРЛАР РАД ЭТГАН ҚОНУНЛАР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ...

Ўзбекистонда 5 нафар туркиялик, Туркияда эса 275 нафар ўзбекистонлик қамоқда ўтирибди... Депутатлар нега бу масалани кўтаришмоқда?



(Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, алкагол ва тамаки маҳсулотлари ҳамда тамаки ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг рекламаси билан боғлиқ моддалар таҳрир қилиниб, бундай муносабатлар «Реклама тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиниши белгилаб қўйилди.

– «Миллий тикланиш» фракцияси ушбу қонун лойиҳаси муҳокамаларида кўплаб таклифларни берган ва уларнинг аксарияти инобатга олинди. Яъни, келишув комиссияси томонидан киритилаётган ўзгартишлар эса депутатларимиз таклифлари ва ҳаракатларига зид эмас, – деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Депутатлар шундан келиб чиқиб, келишув комиссияси хулосасини тасдиқладилар. Шундан сўнг иккинчи – «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун қайта кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун ҳам сентябрь ойида Сенат томонидан рад этилиб, унда айрим вазирликларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш, мигрантларни ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш тавсия этилган эди.

Фракция йиғилишида партиянинг Сайловолди дастурида ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланган таъкидланиб, айнан ушбу қонунда жуда кўп хатоликларга йўл қўйилгани таъкидланди.

Жумладан, қонунда меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш, бевосита бу ишлар билан шуғулланадиган агентлик фаолиятига жуда кўп сунъий тўсиқлар, ортиқча талаблар қўйиб юборилган. Шу боис, депутатлар ушбу қонун қайта кўриб чиқилиши, у Ўзбекистоннинг бугунги кундаги шарт-шароитига мос бўлиши лозим деган якдил фикрга келдилар ва қонунни ташаббускорларга қайтариш таклифини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Кун тартибидаги сўнгги масала – «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.


Ҳукуматлараро битим 24 та моддадан иборат бўлиб, унда маҳкум ҳукм чиқарилган томон ҳудудидан ҳукм ижро этиладиган томон ҳудудига жазони ёки унинг қолган қисмини ўташ учун топширилиши бўйича тартиблар белгиланмоқда. Ҳукм ижро этиладиган томон маҳкумнинг аҳволини ёмонлаштирмаган ҳолда ўзининг ваколатли органи қарори асосида жазони тўлиқ ҳажмда ўташни давом эттирилишини таъминлайди.

Маҳкумни ҳукм ижро этиладиган томонга топшириш билан боғлиқ барча харажатлар эса ҳукм ижро этиладиган томон тарафидан қопланади. Шунингдек, ҳужжатда низоларни ҳал этиш, икки томонлама алоқа тиллари, битимга ўзгартишлар киритиш ҳамда унинг кучга кириши, амал қилиши ва тугатилиш тартиблари белгиланмоқда.

Қонун ташаббускорларининг маълум қилишича, бугунги кунда Ўзбекистонда 5 нафар туркиялик маҳбус сақланаётган бўлса, Туркиядаги ўзбек маҳбуслари сони 275 нафарни ташкил қилади.

Фракция аъзолари маҳкумларнинг жазони ўз давлатида ўташи уларни яқин қариндошлари билан мунтазам кўришиб туришлари имконини беришини ва бу оилавий муносабатларга ҳам ижобий таъсир қилишини эътиборга олиб, қонун лойиҳасини маъқулладилар.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири



(Бошланиши 1-бетда)

АЙНИ ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

Айни пайтда дунёда 30 миллиондан зиёд киши дзюдо билан профессионал тарзда шуғулланади. Улардан 9 миллионга яқини дзюдо ватани – Японияда истиқомат қилади. Икки юзга яқин давлат эса Халқаро дзюдо федерацияси (ИЖФ) нинг тўлақонли аъзосидир. Мутахассисларнинг фикрича, Японияда дзюдонинг спорт тури сифатида оммалашишига 1907 йилда унинг мактаб дастурига мажбурий фан сифатида киритилиши сабаб бўлган. 1964 йилда эса ушбу кураш тури илк бор Токиода ўтган Ёзги Олимпиада дастурига киритилган. Ўшандан бери ҳар тўрт йилда олимпия ўйинларида дзюдо бўйича беллашувлар ўтказилади. Шунингдек, бутун дунёда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ҳар йили 28 октябрь Бутунжаҳон дзюдо куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу санада дзюдо асосчиси Дзигоро Кано тавваллуд топган бўлиб, ҳар йилги байрам тадбирлари турли мавзуларга бағишланади.

Навбатдаги жаҳон чемпионати Янги Ўзбекистон учун ўзига хос тарзда кечганини таъкидлаш жоиз.

Бундай муваффақиятлар шубҳасиз, юртимизда спортга, айниқса, болалар спортига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик реал натижа бераётганини кўрсатади, албатта.


Жамиятга соғлом турмуш тарзини сингдириш, турли шиорлар асосида спортни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар, “5 та муҳим ташаббус” сингари йирик лойиҳа ва дастурлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг спортга бўлган муносабатини ўзгартиряпти. Буни “Мен – Ўзбекман” дея ҳайқираётган минг-минглаб ёш чемпионлар пайдо бўлаётганидан ҳам билиш мумкин.

Шахматдаги ютуқларимиз, куни кеча ампутантлар ўртасида кечган халқаро мусобақалардаги эришилган натижалар ёхуд футзал бўйича учинчи ўринни эгаллаганимиз миллат етакчисининг спортга бўлган эътибори туфайлидир. Миллионлаб ёшлар кўз ўнгида айнан Президентимизнинг Давлат Бобоновга олтин медални топшириши эса ана шундай юксак эътиборнинг мавсумий эмаслигига яна бир ишора бўлди.

Зеро, халқаро ареналарда «Мен – Ўзбекман» дея ҳайқираётганлар сафи кенгаяётгани Янги Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ютуқлари бардавомлигидан далолатдир.

P.S: Газета саҳифаланаётган пайтда -100 кг финал баҳсида Музаффарбек Тўрабоев канадалик Кайл Рейесни мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлгани ҳақида хабар келди. Биз Музаффарбекни келгусидаги мусобақаларда ҳам зафар қучишини тилаб қоламиз.

Маҳбуба КАРИМОВА



✔ Инсон қадри учун

ОҚИЛА, ИБРАТЛИ ҚИЗЛАР

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2011 йил 19 декабрдаги резолюциясига асосан, 11 октябрь «Халқаро қизлар куни» деб эълон қилинган. Бу сана ҳар йили бутун жаҳон бўйича қизларнинг камситилиши, уларнинг ижтимоий муаммоларига эътибор қаратиш мақсадида нишонланиб келинмоқда.

Мазкур санага бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасида маърифий учрашув ўтказилди.

Унда фан, санъат, маданият соҳаси вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари, таълим масканларининг «Қизларжон» клуби аъзолари иштирок этди.

Миллат давомчиси бўлмиш қизларни маърифатли, зиёли ва оналик мақомига муносиб қилиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунга қадар ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида қатор ташаббуслар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

«Халқаро қизлар куни» муносабати билан ташкил этилган тадбирда ҳам қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи хусусида сўз борди.

Тадбир талаба-қизларнинг қизиқишларини янада рағбатлантириш, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тенгдошлари ўртасида ҳамкорлик ва ташаббускорлик муҳитини яратиш борасида аҳамиятли бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА, ЎзА

✔ Блогер минбари



Ижарада турадиган 1-курс талабаларига 2 ойлик ижара компенсацияси ҳеч қандай шартномасиз тўлаб берилади. Ноябрдан бошлаб, ижара шартнома бўлса, кейин компенсация берилади.

Вазирлар Маҳкамаси баёнига биноан, талабалар сафига қабул қилинган ва талабалар турар жойи билан қамраб олинмаган биринчи курс талабаларига, истисно тариқасида, олий таълим муассасаларига ажратилган маблағлар доирасида сентябрь ва октябрь ойлари учун ижара шартномаси талаб этмасдан ижара компенсацияси тўлаб берилади. Ижара шартномасини тақдим этган талабаларга ноябрь ойидан тўловлар давом эттирилади.

Бунда, олий таълим муассасалари томонидан биринчи курсда таҳсил олаётган, ижарада яшаётган талабалар рўйхатини шакллантириш ҳамда ижара компенсация тўловларини амалга ошириш юзасидан ректор (директор) буйруғи расмийлаштирилиб, тегишли маблағлар тўланиши белгиланди.

Бу нима дегани?

Маълумки, ўтган йилдан бошлаб талабалар турар жойида жой йўқлиги учун ижарада туришга мажбур бўлган талабаларга ижара компенсацияси тўлаш тартиби йўлга қўйилди. Бунинг учун талаба ижара шартномасини ўзи ўқиётган ОТМга топшириши керак эди.

Бу тартиб ҳозир ҳам ўз кучида. Яъни, қайсидир талаба ижарада турган бўлса, у нечанчи курсда ўқиётганидан қатъи назар, ижара компенсацияси олишга ҳаққи бор.

Энди янги тартибга кўра, 1-курслар учун истисно белгиланди. Яъни, ётоқхонага жойлаша олмаган 1-курс талабалари «Мен ижарада турдим» деб айтса кифоя. Уларга сентябрь ва октябрь ойлари учун ижара компенсацияси ҳеч қандай ижара шартнома талаб этилмасдан тўлаб берилади. Агар улар яна компенсация олмоқчи бўлса, унда ноябрь ойидан бошлаб ижара шартнома кўрсатиши керак бўлади. Бу истисно фақат 1-курсларга берилди. Катта курслар сентябрь ва октябрь ойлари учун ҳам ижара шартнома тақдим этсагина, компенсация олишади.

Ижара компенсациянинг миқдори қанча?

Ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онасига (қонуний вакилларига) тегишли бўлмаган уйда ижарада яшайдиган талабаларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Ҳар ойлик ижара пулининг 50 фоизи (Тошкент шаҳрида 300 минг сўмгача, қолган ҳудудларда эса 150 минг сўмгача) давлат ОТМларининг кундузги таълим шаклида, давлат гранти ёки тўловконтракт асосида таҳсил оладиган ва ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларга қоплаб берилади.

Демак, ётоқхонага жойлашмаган 1-курс талабалари сентябрь ва октябрь, яъни 2 ойга Тошкент шаҳри учун жами 600 минг сўм, ҳудудлар учун 300 минг сўмгача компенсация пули олишлари мумкин. Бунинг учун талабалар ўзлари ўқиб турган ОТМга мурожаат қилишлари лозим.

@xushnudbek

Маълум бўлишича, 25 йил муқаддам катта миқдорда келган сел бу ердаги кўприкни ювиб кетиб, жарлик пайдо қилган. Ўшандан буён уни қайта тиклаш ишлари ортга суриб келинган. Одамлар ҳатто Чуст туманига бориш учун 30 километрли айланма йўллардан юришган.

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

ЁКИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҲАМДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН 57 МИЛЛИАРД СЎМ ЭВАЗИГА БИР ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ҲАЁТИ, ТУРМУШ ТАРЗИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРГАНИ ХУСУСИДА









«Уйғурсой»да ҳам «Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаши керак» деган эзгу ғоя ўз ифодасини топди. Яъни, энди «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида уйғурсойликлар ҳаёти ҳам яхшиланадиган бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизда шароити оғир бўлган 1071 маҳалланинг 54 таси Наманган вилоятида жойлашган. Вилоят ҳудудининг қарийб 45 фоизини ташкил қилган Поп туманидаги «Уйғурсой» ана шундай ҳудудлардан бири.

Маҳаллада 31 та икки қаватли уй ва 90 дан зиёд ҳовли бўлиб, уларда бугун 2084 нафар киши яшамоқда. XX асрнинг 50-йилларида қурилган бу уйлар шу кунгача деярли таъмирланмаган, аҳоли эса ҳатто уйларининг томидан чакка ўтишига ҳам ўрганиб қолишганди. 18 километр узоқликдан тортиб келинган ичимлик суви қувурлари ҳам аллақачон чириб бўлган. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, бир ҳудудга кеча-кундузда атиги бир соат сув бериларди, холос. Ҳатто оқова суви ҳам йўқ эди...

Электр таъминоти, қишда лой, ёзда эса чанг-тўзон кўтариладиган ички йўллар ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Канализация тизими буткул издан чиққан, одамлар тиббий хизмат учун туман ёки вилоят марказига қатнашга мажбур, мактаб ва болалар боғчасидаги шарт-шароитлар, ҳашаматли кўринган икки қаватли Маданият уйи ҳақида ҳам юқоридагидек фикр билдириш мумкин эди...

«Уйғурсой»ликлар қарийб ярим асрдан бери шундай шароитда яшадилар. Чунки аҳолининг юзлаб мурожаатлари қайсидир раҳбарларнинг столи устида сарғайиб қолаверарди...

Ниҳоят, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдумалик Акромов саъй-ҳаракатлари, вилоят ҳокимининг эса амалий ёрдами билан «Уйғурсой» туман марказидан қолишмайдиган даражадаги шаҳарчага айланди, дейиш мумкин.

– Бу масалани ҳал қилиш осон бўлмади, – дейди депутат. – Буткул издан чиққан инфратузилмани яхшилашга озмунча маблағ кетмасди. Шунинг учун ҳам туман миқёсида бу масала ечилмаслиги маълум бўлди. Вилоятда эса шароити бундан-да оғир маҳаллалар бор. Аммо сайловчиларимнинг умиди, ишончи менга куч-қувват берди. Аввало, Поп тумани ҳокими Аъзамжон Султонов билан ҳудуддаги шароитларни ўргандик, аҳоли билан гаплашдик. Маълум бўлишича, маҳаллада Ички ишлар вазирлигига қарашли объектлар – жазони ижро этиш муассасаси, ҳарбий қисм, маданият саройи, ҳатто сув оқова тизими ҳам жойлашган, икки қаватли уйларда эса ҳарбийлар оиласи билан яшаркан. Яъни, айрим объектлар вазирлик тасарруфида экан. Демак, бу масала вазирликнинг иштирокисиз ҳал бўлмасди.

Шундан кейин вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкатжон Абдураззоқов билан учрашиб, муаммоларни айтдик ва таклифларимизни ўртага ташладик. Ҳоким эса хайрли иш учун маблағ ажратишга ваъда берди.

Кўп ўтмай, Ички ишлар вазири Пўлат Бобожоновга «Депутатлик сўрови» чиқардим. Вазир ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, Жазони ижро этиш департаменти бошлиғи Р.Турсунов бошчилигидаги гуруҳни «Уйғурсой»га жўнатди. Шундан кейин яна бир марта вилоят ва туман мутасаддилари билан шарт-шароитларни ўргандик.

Хайрли ишнинг қаноти бор деганларидек, тез орада ишчи гуруҳи тузилиб, лойиҳалар ишлаб чиқилди, энг асосийси вилоят ҳокими ваъда қилганидек зарур маблағни ажратиб берди ва шахсан ўзи Ички ишлар вазирлиги вакиллари билан маҳаллага келиб, шу йилнинг март ойида белгиланган ишларни бошлаб берди...

Орадан етти ой ўтиб, уйғурсойликлар ҳаётидаги энг қувончли воқеа – таниб бўлмас даражада бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ташландиқ маҳалладан кичик бир шаҳарчага айланган «Уйғурсой»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ички ишлар вазирлиги, вилоят ва туман мутасаддилари «уйғурсой»ликларни қутлашди. Байрам тадбирини вилоят ҳокими Ш.Абдураззоқов очиб, мамлакатимизда «Инсон қадри учун» эзгу ғоя ҳаётийлигини таъминлаш йўлида мақташга арзигулик ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

– «Обод маҳалла» ва «Обод қишлоқ» дастурлари доирасида энг чекка қишлоқларимиз қиёфаси ҳам буткул ўзгармоқда. Бугун бунинг исботини «Уйғурсой»да кўриб турибмиз, – деди вилоят ҳокими.

Ички ишлар вазири ўринбосари Азизбек Икрамов эса уйғурсойда ёшларга яратилган шарт-шароит келажакда уларнинг юртимиз учун етук кадрлар бўлиб улғайишларида муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида гапирган бўлса, бевосита бу ишларга бош-қош бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Акромов ўз сайловчилари номидан бу хайрли ишга ҳисса қўшган барча мутасаддиларга, қурувчиларга миннатдорлик билдириб, барча ўзгаришлар замирида инсон манфаатларини улуғлаш ғояси ётганини таъкидлади.

– Биз маҳалламизда шундай ўзгаришлар бўлишига ҳеч ишонмагандик. Қисқа вақт ичида «Уйғурсой»да таниб бўлмас даражадаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, – дейди меҳнат фахрийси Холмат ота Талаббоев.

«Уйғурсой»ликларнинг айтишича, икки қаватли уйларнинг барчаси капитал таъмирланибди. Том қисми қайтадан ёпилиб, йўлаклар, ташқи деворлар тўлиқ янгиланибди. 28 километрли сув қувури алмаштирилиб, одамларга кун давомида ичимлик сувини етказиш йўлга қўйилибди. Аҳолига дарахт экиб, ўз ҳовлисида экин экиш имконияти пайдо бўлганидан эса ҳамма хурсанд. Янги электр тўсинлар ўрнатилиб, симлар алмаштирилибди. Ички йўлларга асфальт ва бетон қопламалар ётқизилиб, кўчаларга тунги чироқлар ўрнатилибди. Маиший хизмат хоналари – кичик савдо дўкони, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, кафе, компьютер хизмати йўлга қўйилибди. Шунингдек, мини футбол стадиони, болалар ўйингоҳи, «workout» майдончаси ҳамда шинам шийпонлар фойдаланишга топширилибди. Энг асосийси бу ерда энди юзлаб янги иш ўринлари яратиляпти.

Харобага айланиб қолган Маданият уйи ҳам капитал таъмирланиб, ҳақиқий маънодаги «Маънавият ва маърифат маркази»га айлантирилибди. У ерда кутубхона, ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилибди. Хуллас, «Уйғурсой»нинг фотоларда акс этган аввалги ҳолатини кўриб, бугун бу маҳалла Янги Ўзбекистонга ярашадиган гўзал ва обод масканга айланганига гувоҳ бўлдик. Умуман, бу ишлар учун маҳаллий бюджетдан 50 млрд сўм, Ички ишлар вазирлиги ҳисобидан эса 7 млрд сўм маблағ сарфланибди.

Вилоят ҳокимининг маҳалладаги мактаб ва болалар боғчаси ҳам келгуси йилги давлат дастурига киритилгани ҳақидаги хабари эса «уйғурсой»ликларни янада қувонтирди.

> МАМЛАКАТИМИЗДА ШАРОИТИ ОҒИР БЎЛГАН **1071** МАҲАЛЛАНИНГ 54 ТАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН. ВИЛОЯТ ҲУДУДИНИНГ ҚАРИЙБ 45 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН ПОП ТУМАНИДАГИ «УЙҒУРСОЙ» АНА ШУНДАЙ ҲУДУДЛАРДАН БИРИ.

Фурсатдан фойдаланиб, «Миллий тикланиш» партияси фракцияси аъзоси Абдумалик Акромовнинг «Депутатлик сўрови» асосидаги ишлари билан ҳам танишдик.

Хусусан, Поп билан Чуст туманларини бир-бири билан боғловчи асосий йўл – халқ тилида «Селхона» деб аталадиган жойда бўлдик. Маълум бўлишича, 25 йил муқаддам катта миқдорда келган сел бу ердаги кўприкни ювиб кетиб, жарлик пайдо қилган. Ўшандан буён уни қайта тиклаш ишлари ортга суриб келинган. Одамлар Чуст туманига бориш учун ҳатто 30 километрли айланма йўллардан юришган.

Депутат сайловчилари мурожаатидан сўнг 2021 йилнинг февралида Ўзбекистон автомобил йўллари қўмитасига сўров юборади. Шундан кейин мутахассислар келиб ҳолатни ўрганади ва давлат бюджетидан 2 млрд сўм маблағ ажратилиб, мустаҳкам кечув бунёд этилади.

– Бу кечув шу йилнинг май-июнь ойларида бўлган кучли сел оқимларига ҳам бардош бера олди, – дейди депутат.

А.Акромовнинг Халқ таълими вазирига йўллаган «Депутат сўрови» билан эса Поп туманининг «Юксалиш» маҳалласида замонавий талаблар асосида бунёд этилиши кутилаётган уч қаватли мактаб билан қизиқдик.

Ҳозир ўқувчилар таҳсил олаётган мактаб аслида 140 ўринга мўлжалланган бўлса-да, амалда 260 нафар бола ўқийди. Энг ёмони, мактаб ўрнида бир пайтлар хўжаликнинг кимёвий дорилар сақланадиган омбори бўлган. Қўшимча бинолар қурилиб, омбор мактабга айлантирилган. Кимёвий дорилар таъсири эса ҳамон сезилиб турибди. Мактаб деворлари борган сари нураб боряпти...

– 330 ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши анча йиллар олдин бошланган эди. Лекин молиявий муаммо сабаб, бир қавати қурилиб, тўхтаб қолганди. Абдумаликжоннинг саъй-ҳаракати билан мактаб қурилиши бу йилги давлат дастурига киритилди. 14 млрд сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари яна бошланди. Ҳозир ички пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Яқин ойларда янги мактабга кўчамиз. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам бутун қишлоқ аҳли билан бу кунни сабрсизлик билан кутяпти, – дейди 48-сонли мактаб директори Сайёра Алимова.

Депутатимиз таҳсил олган мактабда ҳам бўлиб, устозларию мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашдик. Унинг амалий ёрдами билан мактаб атрофида турли мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилибди. Шунингдек, ўқитувчилар хонаси, фаоллар зали қайта жиҳозланибди.

Энг муҳими, бугун попликлар депутат фаолиятидан мамнун. Сайловда унинг номзодини қўллаб, адашмаганликларини қайта-қайта таъкидлашмоқда.

Депутат Абдумалик Акромов эса «Сайловчиларимнинг ишончи мени янги ташаббуслар сари етаклайди», дейди қувонч билан. Ҳа, ҳақиқатан ҳам халққа хизмат қилиш, одамларнинг оғирини енгил қилишдан каттароқ бахт йўқ дунёда.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

Наргиза ЮСУПОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги етакчи мутахассиси

✓ Кутинг!

Биз мамлакатимизда бизнес юритиш учун яратилган қулай шарт-шароит, жумладан, визасиз режим, валюта сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга қаратилган янги Тараққиёт стратегияси қабул қилингани ҳақида батафсил маълумотлар бердик...

Келгуси сонларда



Чоршанба
12 октябрь, 2022 йил
№35 (1184)

Ушбу асарни саҳналаштиришга ҳаракат қилаётган Хоразм театри директори, бош режиссёри, репертуарга масъул бўлган театрнинг бадиий эмакдоши, бадиий кенгаш фаолиятидан вилоят ҳокимлиги ёки вилоят маданият бошқармаси мутасаддилари, маънавият ва маърифат, республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими мутасаддилари хабарсизмилар?



НЕГА БУЗИБ-ЁЗИЛГАН ТАРИХ

ХОРАЗМ САҲНАСИГА КЎЧИРИЛМОҚДА?!

ЖАНОБ МУТАСАДДИЛАР, БУНДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Юнон файласуфи Цицерон: «Биз ўтмишдан кулкукун эмас, балки чўғ оламиз», деган экан.
Дарвоқе, IX-XIV асрларда юз берган биринчи ва иккинчи Ренессанс XVI-XVII асрларда Европада уйғониш даврини бошлаб берди. Натижада буюк кашфиётлар, ихтиролар қилинди. Фан ва техника тараққий эта бошлади. Таъкидлаш лозимки, ана шу давр алломалари қатори Абу Райҳон Беруний меросини ўрганиш, унинг ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этиш улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар йили алломанинг таваллуд санаси кенг миқёсда нишонланяпти. Афсуски, ана шундай бир пайтда Хоразм ибратхонаси вакилларининг тарихни бузиб кўрсатиш, аниқроғи Беруний шахсиятини унинг аслиятига зид равишда жонлантиришга уринишаётганлиги дилни хуфтон қиляпти.

Хусусан, Раҳматулла Отақўзи ўғли Уйғуннинг мустақиллик мафкураси тамойилларига мутлақо зид бўлган ва айтиш мумкинки, шўролар даври мафкураси асосида ёзилган «Абу Райҳон Беруний» драмаси (Беруний сиймосига ҳақорат!)ни Хоразм вилоят театри 2022-2023 йилларга мўлжалланган репертуар режасига киритибди.

Маълумки, ана шу асарда диний ва дунёвий фанлар ўртасида кескин кураш кечиши тасвирланади. Дин арбоблари Берунийни даҳрийга чиқариб, қаттиқ ҳақоратлашади. Шайхулисломдек етук дин арбобининг дунёвий илмга қарши туриши, Берунийдек улуғ олимнинг илмини писанд қилмай, унинг тарихий-илмий асарларини йўққа чиқариб, иблис, кофир деб ҳақорат қилиши, дунёнинг турли жойларида яшаб-ижод қилаётган олиму уламоларни чорлаб, академия («Дорул ҳикма») ташкил қилиб, бошпана бериб, ҳомийлик кўрсатган Маъмуншоҳни бебурдга чиқариш, Маҳмуд Ғазнавийдек дунёни титратган подшоҳ хонадони, (яъни, муслимлар етакчиси саналган) Амир ул-мўъмининни (яъни, аждодларимизни) маиший бузуқликда айблаши, унинг синглиси Сайёрани Екатеринага ўхшатиши, аждодларимизни (бу ўша пайт мафкурасига керак эди) обрўсизлантириш каби ҳолатларга алоҳида урғу берилган. Қайд этиш жоизки, муаллиф чиндан ҳам ўша давр мафкурасига хизмат қилишга мажбур бўлгандир, лекин бугунги театр жамоаси қандай қилиб бу асарни саҳналаштириш, Берунийдек аллома сиймосини ёш авлод кўз ўнгида бу қадар салбий йўсинда намойиш этишга қарор қилди. Фикримиз асоссиз бўлмаслиги учун асардан бир икки диалог келтирсак:

Шайхулислом: – (Берунийнинг «Ал-боқия» китобини қўлга олиб) Хўп, (Берунийга) бу китобда Муҳаммаднинг ҳаётини сиз оддий одамларнинг ҳаётидай содда таъриф этибсиз. Ахир, ҳамма билади-ку, у пайғамбар! У Расул! (Аслида Шайхулислом бу китобни ёқлаши керак эди).

Беруний: – Буни ҳеч ким инкор этмас. Лекин унинг ҳаёти, таржимаи ҳоли равшан, қилган иши аниқдир. Муҳаммад ҳам инсон эди сизу бизга ўхшаган. Ахир у ҳам инсонлардек бир онадан туғилган. Қабиласи қурайш эди, Ҳошим эди отаси *(Ҳошим эмас, Абдулла! К.Нуржонов)*. У туғилди, у яшади, у курашди, сўнг ўлди..

– Пайғамбарлар, авлиёлар келиб кетган беҳисоб, Мусо, Исо, Яъқуб, Довуд, етмиш беш минг пайғамбар тарихларда зикр этилур, ўйлайманки, билурсиз. Муҳаммад ҳам ўшаларнинг бири эди.

Шу ўринда Уйғун бу диалогни қоралашда 75 минг пайғамбарни қаердан олди, яна буни Берунийдек олим номидан айттирганини тушуниш қийин. Беруний шу қадар нодонмидики, пайғамбарлар сонида адашса!?

Аълам: – У донишманд, доно эди!

Беруний: – Тўғри зукко, донишманд, кўп ақлли ва тадбиркор бир зот эди, шубҳасиз. Аммо у ҳам инсон эди, бу ёғини унутманг! Ҳа, тақсирлар... Динлар қурол кучи билан тарқатилган вайрон бўлган мамлакатлар, ёндирилган шаҳарлар, пайғамбарлар қиличидан ўтказилган шўрликлар, буни асло унутманг... Ҳа, чиндан ҳам тарихнинг ҳар бир саҳифасида қон изи! (7-8 бет). Яна тааж-жубдан ёқа ушлайсан, наҳотки Беруний пайғамбарларни шу қадар қораласа? Ахир Беруний атеист коммунистдек тасвирланган ўша асарни бугун саҳнага чиқариш қайси мантиққа тўғри келади.

Азиз, ўқувчи, энди мўминлар етакчиси саналган Маҳмуд Ғазнавийдек машҳур подшоҳ хонадонида тарбия олган синглиси Сайёра тимсолига эътибор қаратинг: Уйғун тасвирида Сайёра Ғазна элчиси Қоратегинни севади. Диалог:

Сайёра: – Хоразмшоҳ саройида мендан улуғ зот бўлмас. Шоҳ амридан менинг амрим устун бўлур! Ахир мен Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳамшираси бўламан! Амин бўлгил, севгимизга ҳеч ким ҳалал беролмас, Агарда шоҳ эрим бўлса, сен севгилим бўласан.

Қоратегин: – О, бу гаплар қанча оғир...

Сайёра: – Бундан оғир гаплар бор.

Қоратегин: – Ё Раббий!

Сайёра: – Ҳа шуни яхши билиб қўйки, мен билган эркакларнинг орасида сен тўртинчи эрурсан...

Кейинчалик муаллиф айни шу аёлнинг ишқи Берунийга тушганини тасвирлайди (подшоҳзода бир аёл қанчалар ахлоқсиздек тасвирланганига эътибор қаратинг!).

Аждодларимизнинг, подшоҳзодаларимизнинг шаънига туҳмат эмасми бу? Ахир Муслимзодаларни бундай қоралашлар, авлодларига ўз ўтганларининг обрўсини тушириб, уларда, ёшларимизда исломга, ўтмиш тарихига нисбатан нафрат уйғотиш кимга керак бугун?

Шу ўринда яна бир диалогга эътибор қаратсак:

Маҳмуд Ғазнавий: – Ҳа, эсимдан чиқай дебди, ҳарамни ҳам тозаланг. Гўзаллари қолсин, аммо ёши ўтган жувонлар навкарларга улашилсин ё қул қилиб сотилсин, ҳарна пул-да...

Маймандий: – Ҳеч шубҳасиз!

Маҳмуд: – Ҳа, ўзинг ҳам танлаб ол.

Маймандий: – Миннатдорман, улуғ султон, дуо қилиб юраман.

Маҳмуд: – Биласан-ку, менинг учун бир кечадан ўтган қиз ортиқ мени қизиқтирмас. Хоҳлаганинг сеники.

Ана энди ҳақли савол туғилади: Хоразм вилоят театри саҳнасида бугун ана шу диалогларнинг янграшидан кимдир манфаатдорми? Бу ёш авлодда ўз даврида бутун илм аҳлига ҳомий бўлган Маъмуншоҳдек аждодларимиз номини қораотлиқ қилиш эмасми?

Яна бир гап: ушбу асарни саҳналаштиришга ҳаракат қилаётган Хоразм театри директори, бош режиссёри, репертуарга масъул бўлган театрнинг бадиий эмакдоши, бадиий кенгаш фаолиятидан вилоят ҳокимлиги, вилоят маданият бошқармаси мутасаддилари, маънавият ва маърифат, республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими мутасаддилари хабарсизмилар? Бу фикрга ишониш қийин, албатта. Аммо кимдир драмадаги ўша мантиққа зид, чиркин мафкура ёқланган эпизодларни олиб ташлаб, истиқлол мафкураси қолипига солиб «тозалаб» саҳналаштиришни режа қилган дейиш мумкин. Аммо дунёдан кўз юмган муаллифнинг «розилигисиз» асардаги асосий ғояни тубдан ўзгартиришдек номақбул ишга қўл уришга кимнинг ҳадди сиғар экан? Шахсан мен эски мафкура билан суғорилган «Абу Райҳон Беруний» драмасини саҳналаштириш тарих асло кечирмайдиган хато иш, деб ҳисоблайман.

Комил НУРЖОНОВ,
ўлкашунос-тадқиқотчи

✓ Юбилей арафасида

ОФТОБ ЧЕҲРАЛИ ШЕЪРИЯТ СОҲИБАСИ ҲАҚИДА



Ким ширинсўз, чеҳраси офтоб эрур,
Ул адаб дарёсига мироб эрур.

Муқаддас ҳадисларда «Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор» дейилади. Бу сўзнинг инсон қалби, руҳиятига таъсири нуқтаи назаридан нечоғлик аҳамият касб этиши, шеър эса моҳиятан ҳикмат, яхшилик, гўзал фазилат ва қалбни мусаффолантирувчи, улғайтирувчи, инсон камолотига хизмат қилувчи эъжоз мақомида эканлигига илоҳий ишоратдур, дегинг келади. Ана шу маънода «офтоб чеҳрали ширин сўз» айтиш, «адаб дарёсига мироблик» мақомига етишган, комиллик, фозиллик, орифлик тотидан баҳраманд бўлган, чин маънодаги ижодкорларгагина насиб этади.

Шоира Шарифа Салимованинг шеърий сатрларида тасвирланган ботинию зоҳири гўзал, чиройли фазилатлардан чеҳраси офтоблар қаторида муаллифнинг юзи, кўзи, сўзи – ўзи ҳам гавдаланади.
Ва яна... Шарифа Салимова асарларининг энг эътиборли жиҳати – унинг ижоди ва фаолиятида комил инсон руҳияти, фазилатларига эш бўлган мушфиқ ва меҳрибон она билан Она Ватанга фарзандлик масъулияти, бурчини оқлаш туйғуси ярақлаб кўзга ташланади; шоиранинг она ҳамда она Ватан рамзида халқига, ҳаётга, жонажон юртга бўлган юксак меҳр-муҳаббати тафти ўқувчи қалбига ҳарорат, сурур бағишлайди.

Кўксингда қулунлар бўлиб чопамиз,
Арча бўлиб тоғлар кўксин ёпамиз.
Бургут бўлиб чўққинг излаб
топамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз,
Ватан!
Майли, тиканларинг қонатсин
қўлим,
Майли, изғиринлар қилсинлар зулм,
Сен рози бўлсанг бас, энажон элим,
Сендан бир дам айро тушмаймиз,
Ватан.

Самимий, ўзига хос, дил чаманларида туғилиб, камолга етиб шеърхонга тутилган бу каби сатрлар минглаб шеърият мухлисларининг кўнгил мулкига айланиб улгурган. Шарифа Салимова ижодининг барча босқичлари бирдек тароватли, бирдек ҳароратли. Зеро, шоира адабиётга – шеъриятга ўтган асрнинг 70-йилларида халқу Ватан тақдири билан боғлиқ катта дардлар билан кириб келган ижодкор авлоднинг ўктам вакиласидир. Бунга устоз ва беназир шоир Абдулла Орипов шоиранинг «Ҳизр булоғи» достони ҳақида: «Буюк ва шўрлик бир халқнинг даҳосига эҳтиром шарофати билан ҳаммамизнинг дилимиздаги изтиробларни, унут бўлган хаёллару беамал қолган орзу умидлару, муҳими, аччиқ армонларимизни бир шода дур каби тизган, унинг ҳар бир донаси кўз ёшларимиз каби тиниқ ва беғубор эди. Умидимиз Навоий ҳазратларининг даҳоси янглиғ пойдор бўлиб кўриниб турар, айниқса, сатрларда она қалби, аёл меҳри, унинг чексиз самимияти, куюнчаклиги муҳрланган», – деган эдилар.
«Кўнгли яримлар дунёси» публицистикасида эса Меҳрибонлик уйи раҳбарига қатъият билан: «...Нима учундир мусулмон болалари ўзбек тилида қийналиб гапиришяпти?» – деб савол беради. Гапнинг очиғи, неча ўн йиллар давомида бундай тарбия масканларида миллий урф-одатларга риоя қилиш фақат айрим байрам кунларида қизларнинг дўппию атлас кўйлак кийишлари, ўғил болаларнинг яктак устидан белбоғ боғлашидангина иборат бўлиб қолганини кўпчилигимиз табиий ҳолат деб қабул қилдик. Шунинг учун бу ерда ўсиб улғайганлар миллийликдан, ўзбекона урф-одатлардан, қадриятлардан узоқлашдилар. Шарифа Салимова фикрлари айни тиниқиб тинган, қалб уммонларида ҳаёт ҳикматлари дуру дурдонага айланган бекатда ҳамон ўзларига ярашимли, жозибали табассум билан турибдилар. Умр боғларига оилада ҳам, жамиятда ҳам эккан чиройли, сермева ниҳоллари дарахтларга, боғларга айланиб бормоқда.
Халқимиз ижодкорларни яхши кўради, қадрлайди, сўзи билан амали бир қаламкашларга меҳри, ихлоси, ишончи, эҳтироми ўзгача. Улуғ устозлар йўлидан юрган, ҳаёт тажрибалари қалбида ҳикматлар сочган Шарифахонимдаги барча фазилатлар унинг сўзи, ўзи, кўксида дуркун дарахтга айлангандай. Зеро, унинг ижодида одамийлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик дардида ёниб турган ўктам қалбнинг, шижоат ила уйғотувчи тўлқинлари мавжланиб турган юракнинг суратини, «офтоб чеҳрали», миллионлаб қалбларга «нур кукунлари»ни сочиб «улуғ сўзни уйғотувчи», «эркни падардек суйган» шеърият соҳибасининг тимсолини кўриш мумкин. У сўзга, шеърга айланган қалбнинг мунаввар чеҳрасидир!

Минҳожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, Сенатор

> Қонуннинг 4-моддасида маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар сифатида эътироф этилган. Унга амал қилиш керакми?



ПАНЖА ОРАСИДАН ҚАРАШГА

МАДАНИЯТ СОҲАСИ ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Маданият соҳаси кенг кўламли бўлиб, бугунги кунда ушбу соҳага жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикасининг «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги қонунини ҳам ана шу эътибор натижаси дея қабул қилиш лозим.

Яқин тарихимизни бир таҳлил этсак: Илҳом театри (театр «Ильхом») томонидан қўйилган спектакль атрофидаги шов-шувли воқеалар, телеэкранларда тинимсиз айлантирилаётган бадиий ва бошқа фильмларга нисбатан билдирилаётган эътирозли фикрлар, Алишер Навоий номли опера ва балет театрида томоша олдидан томошани сиёсий қияликка йўналтиришга қаратилган ташвиқотлар, Тошкентнинг қоқ марказида босқинчилик кўйланиши ёки ўзи йўқ давлатнинг тимсоллари туширилган кийимларни кийиб оламга жар солишга доир ҳаракатлар...

Бундай ажабтовур ишлар, сўз эркинлигини ниқоб қилиб, асл мақсадларини илгари сураётганлар ҳаракатларини чуқурроқ таҳлил этсак, бу жараённинг энди ёқилган гулхандек унинг аста аланга олдирилаётгани аён бўлади.

Қайд этиш жоизки, «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги қонунда айнан тарихий-маданий мерос объектларини аниқлаш, ўрганиш, муҳофаза этиш, қайта тиклаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш, бадиий адабиёт, кино санъати, саҳна, мусиқа санъати, архитектура ва дизайн, фотосанъат, санъатнинг бошқа турлари ва жанрлари, халқ бадиий ва амалий санъати, тил, шева, талаффуз, фольклор, урф-одат, расм-русум, тарихий тапоним кўринишидаги халқ маданияти, бадиий ҳаваскорлик ижодиёти, музей иши ва коллекциялаш, ноширлик ва кутубхоначилик иши, босма асарлар яратиш, уларни тарқатиш ва фойдаланиш билан боғлиқ маданий фаолият, архив иши, эстетик тарбия, санъат таълими, маданият соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳамда халқаро маданий алоқаларни тартибга солиш назарда тутилганини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, маданият тизимига театр-концерт, кутубхона, музей, санъат галериялари ва кўргазма залларидан тортиб ҳайвонот боғлари, аквариумлар, планетарийлар, ботаника боғларию, кинотеатрлар, киностудиялар, телевидение ҳатто радиогача киради.

Кўринадики, маданий фаолият соҳаси ниҳоятда кенг бўлиб, уни ҳуқуқий тартибга солиш, барча қирраларини агентлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколати кинематография соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Табиий савол туғилади, ваколатли органлар томонидан белгиланмаган соҳалардаги маданий фаолият ким томонидан ва қандай тартибга солинади?

Қонуннинг 4-моддасида маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар сифатида эътироф этилган. Унга амал қилиш керакми? Албатта, керак. Лекин булар бор-йўғи принциплар. Нима учун бор-йўғи? Чунки у маданиятли одамларга қаратилган. Афсуски, ҳаммани бирдек маданиятли деб бўлмайди. Бундан ташқари, ахлоқни ахлоқсизликдан ўрганишни шиор қилиб олганлар ёки атайин ахлоқсизликни ёйишни мақсад қилиб олганлар бор, орамизда.

Қонуннинг 10-моддасида «Ўзбеккино» Миллий агентлигига кинематография маҳсулотининг бадиий ва мафкуравий даражасини ошириш бўйича чоралар кўриш ваколати берилган. Бу ерда мажбурият ёки жавобгарлик белгиланганда умуман бошқа гап бўлган бўлар эди. Лекин маданий фаолият билан шуғулланадиган бошқа соҳаларга бу ваколат берилмаган. Тўғри, ижодий фаолият – бу эркин. Уни рамкаларга солиш – цензура. Лекин ҳар қандай эркинликнинг чегараси ва унинг мезонлари бўлиши керакка ўхшайди. Нима учун? Негаки, соддагина халқимиз ўз уйида оилавий бўлиб, ойнаи жаҳонни кўра олмай қолди...

21-моддага кўра, концерт-томоша тадбирлари, тўйлар ва бошқа тантаналарда санъаткорнинг одобахлоқ қоидаларига, саҳна маданияти ҳамда ташқи кўринишига зид бўлган хатти-ҳаракатлар амалга оширилишини, маънавиятга салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда томошабинларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қиладиган ахлоқсизлик ғояларини тарғиб қилишни истисно этган ҳолда миллий менталитетга, миллий қадриятлар ва урф-одатларга мувофиқ бўлган қўшиқлар ҳамда улар бўйича яратилган видеоклипларни ижро этиш концерт-томоша фаолиятини амалга оширишга доир лицензия талаблари ва шартлари жумласига кирар экан.

Табиий савол туғилади. Театрда шундай ҳаракатларни амалга ошириш мумкинми, йўқми? Кинода-чи? Бадиий адабиётда-чи? Ахлоқсизликни чегаралаш нафақат бизда, балки дунёнинг исталган мамлакатида ҳам бор.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида ва Жиноят кодексларида миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга, шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб этишга, шунингдек, ўзга шахсларнинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган фаолиятга жавобгарлик белгиланган, маданий-оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга, шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб этишга, шунингдек, «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида ўзга шахсларнинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган плакатлар, тимсоллар, транспарантлардан ва бошқа ашёлардан фойдаланиш тақиқланади.

Плакат, тимсол, транспарант тушунарли, лекин бирон асарни, айтайлик, шеърми, саҳна асарими, кинофильмми қандай мезонлар асосида баҳолаймиз. Боз устига «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида «Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди», деб ёзиб қўйилган. Илҳом театри билан бўлган тушунмовчиликда Адлия вазирлиги ушбу норма билан Театр арбоблари уюшмаси хатини асоссиз деб топгани ҳаммамизга маълум. Табиий савол туғилади, мабодо, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида ва Жиноят кодексларида ёки «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ҳолатлар бузилса, унда ким бу жараёнга аралашади?

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бўлиб ўтган сиёсатга оид маслиги шундоқ ҳам тушунарли эмасми?

Қонуннинг 31-моддасида давлат театрларида ҳар бир саҳна асари оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намойиш қилиш учун тайёр эканлиги тўғрисидаги қарор театрнинг бадиий кенгаши тавсиясига кўра, театр раҳбари томонидан қабул қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, театр раҳбари бадиий кенгаш тавсиясини хоҳласа инобатга олади, хоҳламаса йўқ. Табиий савол туғилади, унда бу кенгашга нима ҳожат бор?

Масаланинг иккинчи томони, юқоридаги гапларимиз давлат театрларига тегишли гаплар, хўш, нодавлат театрларичи, нафақат театр маданий фаолият билан шуғулланаётган бошқа соҳалардаги нодавлат ташкилотларичи, улар намойиш этиш учун тайёрлаган асарларга ким баҳо беради. Бадиий кенгаш нодавлат ташкилот тасарруфида бўлса, маслаҳат ҳам шунга яраша бўлади-да.

Республикамизда 37 та профессионал театрлар қатори 100 га яқин ҳаваскор халқ театрлари бор. Уларнинг 72 таси ҳаваскорлик халқ театрлари унвонини олган, бундан ташқари, хусусий театр-студиялар бўлиб, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 60 га яқин, 70 дан ортиқ олий таълим муассасалари қошида фаолият юритаётган театр-студиялар иш олиб боряпти. Бу сонлар соҳанинг мафкуравий даражаси қай даражада эканини ўрганиб бориш заруратини туғдиради.

> Республикамизда 37 та профессионал театрлар қатори 100 га яқин ҳаваскор халқ театрлари бор. Уларнинг 72 таси ҳаваскорлик халқ театрлари унвонини олган, бундан ташқари, хусусий театр-студиялар бўлиб, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 60 га яқин, 70 дан ортиқ олий таълим муассасалари қошида фаолият юритаётган театр-студиялар иш олиб боряпти.

Бу гаплар айрим Болалар мусиқа ва санъат мактабларига ҳам таллуқли эканини таъкидлаш жоиз. Бориб томоша қилсангиз, ҳайрон қоласиз, бунча кўп яланғоч расмлар... Билмадим, болаларга мос мавзулар қуриб кетганми. Айтайлик, устозлар байрами муносабати билан устозининг расмини чизса қолсин, яланғоч қилиб кўрсатиш шартми... Табиатга бағишланган пейзажлар – нотаниш, бизнинг табиатимизни излаб тополмайсиз. «Она табиатни чизишса, юртга, Ватанга меҳр ўйғонмайдими уларда». «Ҳа-а, китобларда борини чиздиряпмизда». Қизиқиб, чуқурлашаверсангиз, болалар қўшиқлари, болалар саҳна асарлари масаласида ҳам талай муаммолар борлигига гувоҳ бўласиз. Болаларнинг ёшига муносиб замонавий асарлар ҳам яратиш йўлга тушиб қолар...

Кутубхоналардан қандай китоблар жой олиши масаласи ҳам кейинги пайтларда долзарб бўлиб қолмоқда. Болалар учун мўлжалланган тарбиявий аҳамиятга эга китобларни ўрганиб кўринг. Ачинарлиси, ушбу китоблар қандай қилиб дунё юзини кўрганлиги, қандай қилиб болаларимиз қўлига етиб боратёганлигини эшитиб ёқа ушлайсиз. Масалан, Oltin olma. O'zbek xalq ertaklari (bolalar ucnun), Sunbul bilan Gul (bolalar ucnun o'zbek va rus tillarida). O'zbek va rus xalq ertaklari китобларида миллий маданиятга зид бўлган, ахлоқсизликни ахлоқсизлик ортидан Маданият ва санъат фондидан икки ходим ишдан кетибди, лекин ҳеч ким ушбу воқеалар ортида қандай мақсадлар бор, ахлоқсизликнинг бир учи манфаатга бориб тақалмайдими, тақаладиган бўлса, неча пулга сотилган деб сўрамади ҳам. Мазкур ҳолатда давлат органлари аралашиши керакмиди ёки йўқми?

Ахлоқ нормалари, маданиятни ахлоқий тарбиянинг асоси сифатида тан олиш билан боғлиқ нормалар Россия, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Озарбайжон Республикаси қонунларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Тўғрида, ахлоқсизликка ундовчи, зўравонликка етакловчи, урушни ёқловчи маданий фаолият кимга керак? Халқимиз қадри топталган фильмлардан, кўрсатувлардан, саҳна асарларидан, концерт-томошаларга ўз муносабатини билдириб келмоқда. Ҳозир ажойиб гап топиб олишган: «ёқмаса кўрма, бошқа каналга бурасанг, бўлди, қутуласан» қабилида. Нима ҳам деймиз, бурагунимизча, бўларинг бўладику ахир. Ёшларимизни эса айнан шундай, яъни «теша тегмаган» «асар»лар ўзига ром этяпти.

Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, тасарруфида маданият ташкилотлари бўлган давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, маданият ташкилотларида театр, мусиқа ва концерт фаолияти, цирк санъати ва тасвирий санъат, архитектура ва дизайн бўйича тармоқ бадиий кенгашлари ташкил этилиб, улар маслаҳат органлари ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Маслаҳат органи бўлганидан кейин уларнинг овози узоққа боради-да. Бу ерда Халқаро ва хорижий ташкилотларнинг маблағлари ҳақида ўйламасдан илож йўқ. Ахир, ким буюртма берса... Мисол келтиришга эса ҳожат ҳам йўқ, ҳаммаси тушунарли.

Юқорида тилга олинган давлатлар қонунларида хорижий юридик ва жисмоний шахслардан, халқаро ташкилотлардан текин хайрия олиш ҳуқуқи чекланмаганлиги белгиланган. Лекин халқаро ва хорижий ташкилотларнинг маблағлари кўзда тутилмаган. Хайрия масаласи бизнинг қонунда ҳам кўзда тутилган: «Жисмоний ва юридик шахсларнинг (меценатларнинг) хайриялари». Мана шу жумла «халқаро ва хорижий ташкилотларнинг маблағлари»ни ҳам ўзида акс эттиришига шубҳа қилмаслик мумкин, чунки аслида совға, ҳадя, туҳфа, субсидия каби хайриялар кўзда тутилган бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, маданий фаолият кенг қамровли соҳа бўлиб, уни битта қонун билан тартибга солиш мавжуд мураккабликларни, ҳуқуқни қўллашда тушунмовчиликларни келтириб чиқариши табиий. Маданий фаолият билан шуғулланаётган ташкилотлар ишида пайдо бўлаётган тушунмовчиликлар эса соҳани тартибга солишда хатоликларга йўл қўйилаётгани билан изоҳланиши мумкин.

Баски, маданий фаолият миллий ва умуминсоний ғояларни тараннум этиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат руҳида камол топтириш, уларни комил инсон сифатида тарбиялашга ҳисса қўшишда беқиёс аҳамиятга эга экан, унга панжа орасидан қарашга ҳаққимиз йўқ.



Ўрол ҲАИТОВ,
партия Марказий кенгаши бош мутахассиси

✓ Кутинг!



milliy
ижтимоий-сиёсий газетаси

Чоршанба
12 октябрь, 2022 йил
№35 (1184)

ИСЛОҲОТ



> Рауф Парфи ҳаётлик маҳалидаям, ҳаммамиз гувоҳмиз-ку, бойлик, мансаб, шон-шавкат ортидан қувмади. Аксинча, бу ўткинчи дунёнинг устидан кулиииб кетди...

КЎЧАДА ҚОЛГАН БЎЛСАКДА,

ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТЯПМИЗ...

Айни пайтда 457 минг бизнес субъектининг 137 минги, яъни 32 фоизи тадбиркор аёллар томонидан ташкил этилгани Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлиги жадал ривож топаётганидан далолатдир. Бу айни пайтда жамиятда хотин-қизларнинг иқтисодиётга, кичик ва хусусий бизнес ривожига қўшаётган ҳиссасини ҳам кўрсатади. Албатта, бу жараёнга "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти.

Шу ўринда ассоциациямиз фаолиятига 30 йилдан ошганини айтиш жоиз. Бу муддатда 200 га яқин мутахассисларимиз, опа-сингилларимиз иқтисодий, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, молиявий, таълим, ахборот ресурсларидан фойдаланиш, қайта ўқитиш ва тадбиркорликка оид малакасини оширишга кўмаклашиб келяпти. Шунингдек, ассоциациямиз томонидан маҳаллий ва халқаро институтлар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, қайта касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, оилавий корхоналар ташкил этиш борасида 100 га яқин лойиҳалар амалга оширилди. Таълим дастурлари билан параллел равишда ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда дастурлар ишлаб чиқилиб, бепул тарқатилди. Натижада 80,1 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик малакасига эга бўлиб, 80 фоизининг бандлиги таъминланди. Энг муҳими, 2020-2022 йилларда ташкилотимиз кўмаги билан жойларда 14 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Бироқ бугун жойларда тадбиркорликни энди бошлаётган ва фаолият юритаётган хотин-қизлар эҳтиёжига кўра, хизмат кўрсатиш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда «Тадбиркор аёл» ассоциацияси салоҳиятидан тўла фойдаланилмаяпти. Хусусан, жойларда моддий-техник база етишмовчилиги, малакали мутахассисларни жалб этиш, кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш имкониятининг йўқлиги, жамоат ташкилоти сифатида қўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ассоциацияни институционал ва аёллар тадбиркорлигини янада кенг ривожлантирадиган тўлақонли ташкилотга айлантириш имконини бермаяпти.

Тўғри, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида давлат бюджетидан катта маблағ ажратилиб, аёллар тадбиркорлиги марказлари барпо этилаётгани қувонарли, албатта. Бироқ ушбу тизимга нодавлат ташкилотлар жалб этилмаётгани таажжубланарлидир. Масалан, бу жараёнда «Тадбиркор аёл» ассоциацияси каби ташкилотлар иштироки таъминланса, уларнинг тажрибаси, тадбиркорликка ўқитиш услуби ушбу ҳаракат самарадорлигини янада оширган, давлат маблағларини эса иқтисод қилган бўларди.

Аксарият ҳолларда ҳатто аёллар тадбиркорлигининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинмай, унинг ижроси умумий тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Савдо саноат палатаси каби ташкилотларга юклаб қўйиляпти.

Ана шундай эътиборсизлик ва жойларда йўл қўйилаётган «маҳаллий»чилик оқибатида эса нодавлат-нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти қониқарсизлигича қолмоқда. Бунга Ассоциациямизнинг узоқ йиллар фаолият юритган биноси таъмирланаётгани боис, вақтинча фаолият юритишимиз учун бирон бино топишга бирор бир ташкилот ёрдам бермади. Яъни, кўчада қолган аёллар ташкилотининг тақдири соҳага масъул бўлган бирон кимни ташвишга солмади. Гарчи Тошкент Иқтисодиёт университети раҳбарияти кўмаги билан олийгоҳ ертўласидан ажратилган 2 та хонада иш олиб борган бўлсакда, 1,5 йил мобайнида маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан 10 га яқин катта-кичик лойиҳаларда ҳамкорлик ўрнатдик.


> **2020-2022** йилларда ташкилотимиз кўмаги билан жойларда 14 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда эса анъанавий «Халқаро аёллар бизнес ҳафталиги» тадбирларига тайёргарлик кўряпмиз. Мақсадимиз, Президентимиз ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш, тажриба ва малакамизни миллий иқтисодимиз ривожига йўналтириш, давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёллар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга ҳисса қўшишдир. Ишонамизки, юқорида санаб ўтилган камчиликлар яқин кунларда ўз ечимини топиб, яна аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга бор кучимиз билан ҳисса қўшамиз.

Гулнора МАҲМУДОВА,
«Тадбиркор аёл»
Ўзбекистон ишбилармон
аёллар ассоциацияси
раиси

ТУРКИЙЛАРНИНГ ТИРИК ШОИРИ

ЁХУД РАУФ ПАРФИНИНГ ЭНДИ РЕКЛАМАГА МУҲТОЖ ЭМАСЛИГИ ХУСУСИДА



Туркийларнинг афсонавий шоири РАУФ ПАРФИнинг икки жилдлик гўзал китоблари чоп этилиб, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида тақдимоти бўлиб ўтганини эшитиб бошим осмонга етди.

Ўша куниёқ таниқли шоир Абдумажид Азим ижтимоий тармоқда бонг урди: «Қаранг, катта шоиримизнинг икки жилдлик «Сайланма» китоби бор-йўғи 500 нусхадагина чоп этилса-я, аҳолиси ўттиз беш миллиондан ошиб кетган халқимиз учун бу камми ёки?.. Наҳотки халқини, Ватанини жонидан ортиқ суйган, истибдод қиличидан қон томиб турган замонларда ҳам истиқлол, озодликни мардона туриб куйлаган Рауф Парфидай улуғ шоиримиз ижодига муносабат шу бўлса? Билишимча, «Сайланма» нинг нархи атиги 120 минг сўм экан. Бугунги кунда бу катта пул эмас. Керак бўлса, икки кишининг ўртача бир тушлиги нархи...

Тўйхоналардаги бир-биридан салобатли машиналарни, саф-саф издиҳомни кўриб ақлимиз шошади. Қорнимизни тўйдириш, устимизни бут қилиш учун, албатта, пул топамиз. Керак бўлса, ҳаётимизни заҳарловчи ароқ, сигаретга пул топамиз. Лекин тафаккуримиз эҳтиёжига пул сарфлашга келганда оғринамиз.. Ижтимоий тармоқларда ур-тўполон бўлса, минглаб лайк босамиз, олди-қочди сериалларни кўз узмай томоша қиламиз. Лекин бир китоб ёки асарни ақалли қўлимизга ушлагимиз келмайди. Майли, ўзимиз ўқимасак ҳам болаларимизда китобга меҳр уйғотайлик, азиз биродарлар! Мен бу гапларни бировга таъна ёки танбеҳ сифатида айтаётганим йўқ. Мен бу гапларни, умуман, Сизларга айтаётганим йўқ. Мен бу гапларни шивирлаб ўзимга айтаяпман»...

Бугун мен ҳам ана шу нодир китобларни қўлимга олдиму, ўйланиб қолдим...

Аввало шундай улкан маънавий бойлик-хазинани эҳтиром билан кам сонлигина қолмиш шеърият мухлисларига тақдим этган фидойи, заҳматкаш инсонлар – филология фанлари номзоди, доцент Олимжон Олтинбек, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримга мингдан-минг раҳматлар айтаман.

Яна бир иштибоҳ кечади кўнгилдан: ушбу китоблар мамлакат раҳбарининг халқимизнинг маърифатпарвар, ватанпарвар ва миллатпарварлигини уйғотишдек машаққатли вазифани адо этишда улкан хизмат қилган Рауф Парфидек улуғ ижодкор зиёлилар руҳини шод этмоқ умидида китобхонлик маданиятини ошириш йўлидаги эзгу мақсадларига эш бўлмоғи муқаррар. Яширмаймиз, кўряпмиз баъзан, номдор нашриётларда бир неча минглаб нусхаларда босилаётган айрим савиясиз, бадиий, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан бўш китоблар тарғиботига бағишланган тақдимотларда туппа-тузук олиму мутахассисларнинг сохта мақтовларини эшитиб ёқа ушлайди одам. Аммо дунёга довруғи кетган Рауф Парфини яқин орада қачон тузукроқ анжуман уюштириб эсладик?

Яна такрорлашга мажбурман: икки китобнинг адади бор-йўғи 500 тагина экани... халқона ибора билан айтганда, саховатпеша «парфисевар»ларнинг баҳоли қудрат беминнат хизмати туфайлидир балки. Янаям билмадим.

Аламлиси, ўлкамизда нечта мактаб, олий ва ўрта таълим ўқув юртлари бор, айтинг! 10 мингдан 15 мингча атрофдалиги аниқ. Энди ўйланг, ана шу даргоҳларда ҳеч бўлмаса икки нафардан ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бордир? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ана шу муаллимлар орасида бугун нари борса беш-ўнта шоир-ёзувчи *(бу рўйхатда Навоий, Бобур, Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф ва яна икки уч киши бор, холос)*дан ташқари бошқа ижодкорларимиз ҳақида нималарни билишади? Ёки улардан Қодир бахши, Маъруф Жалил, Машраб Бобоев, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Раҳмон, Азим Суюн, Йўлдош Эшбек, Назар Шукур, Аъзам Ўктам, Абдували Қутбиддин, Чори Аваз... ва бугун 60 га етаётган у ёғи 70 дан ошган Қутлибека, Зулфия Мўмин, Хуршид Даврон, Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдош, Раҳмон Қўчқор, Зебо Мирзо, Ҳалима Аҳмад, Эшқобил Шукур, Ғулом Мирзо, Иқбол Мирзо, Ғайрат Мажид, Хосият Рустамова, Шодмонқул Салом ва яна ўнлаб улкан истеъдод соҳиблари ижоди ҳақида сўраб кўринг-чи, нимани билишаркин?

Кўпинча, ўқувчиларни айблаймиз улар саводсиз, китобга, адабиётга қизиқишмайди деб. Лекин уларга адабиётдан сабоқ бераётган ўқитувчиларининг ўзлари нималарни ўқишяпти? Ўзбекистонда, газеталарни санаб ўтирмайман, ҳатто «Ёшлик», «Шарқ юлдузи», «Тафаккур», «Маънавий ҳаёт», «Саодат» деган адабий-бадиий журналлар борлигидан улар хабардормилар?


Яна Рауф Парфига қайтаман. Аввало, ана шу 500 дона китобни чоп этганларнинг отасига минг раҳмат, Худойим охиратларини обод этсин суюкли шоиримизнинг. Нашриётларни, китоб дўконларини кўринг, кимларнингдир зўрма-зўраки чиқарилган бир пулга қиммат китоблари чанг босиб ётибди. Ёки баъзан ижтимоий тармоқларда кўряпмизку, ҳатто айрим пулсевар муттаҳамлар ёлғондакамдан бўлсаям ўзини бечораҳол кўрсатиб, пластик картасини қўйиб содда одамларни алдаб ётибди. Биз эса бу ёқда машҳур шоиримизнинг ярим мингтагина китобининг қадрига етмаяпмиз. Ана шу ноёб «Сайланма»ни бирор фонд ёки бирор уюшма, агентлик ҳомийлик ҳисобидан беш ё ўн минглаб нусхада чоп эттирганида ҳам бемалол халқимиз орасида сотилиб, тарқалиб кетишига заррача шубҳам йўқ. Негаки, ҳали зиёли, саводхон, адабиёт муҳиблари бор орамизда.

Рауф Парфи ҳаётлик маҳалидаям, ҳаммамиз гувоҳмиз-ку, бойлик, мансаб, шон-шавкат ортидан қувмади. Аксинча, бу ўткинчи дунёнинг устидан кулиииб кетди... Унга бугун мақтов керакмас, реклама ҳам. Бас шундай экан, Рауф Парфининг ўлмас ижодини ўрганиш бизга, адабиётни, шеъриятни, демакки, ҳаётни севгувчи одамларга, маърифатли халқимизга сув ва ҳаводек керак.



Норқобил ЖАЛИЛ,
журналист

ЗИЁГА ЧОРЛАГАНИ УЧУН 75 ДАРРА КАЛТАКЛАНГАН маърифатпарвар



Аждодларимиз илмлилик жиҳатидан ҳамиша дунёда пешқадам бўлишган. Хусусан, жадидчилик намоёндалари инсонийлик рутбасини ҳар недан устун қўйиб, халқини маърифатли қилиш йўлида жонларини-да аямаганлар. Айниқса, Садриддин Айний маслакдошлари билан янги усул мактабларини ташкил этиш, истеъдодли ёшларни хорижий давлатларда ўқитиш, миллий матбуотни ташкил этиш борасида жонбозлик кўрсатган. 1878 йилнинг 15 апрелида Бухоро амирлигининг Ғиждувон туманидаги Соктаре қишлоғида туғилган ёзувчи 12 ёшида Бухорога келиб, ўн йил давомида Мир Араб, Олимжон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид ва Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олади. Таҳсил чоғида Ҳайрат ва Абдуқодир Махдумлар билан танишади. Бу вақтда Ҳайрат Ҳиндистонда чиқадиган «Ҳаблул матн» ва Мисрда чоп этиладиган «Чеҳранома» газетасининг, Абдуқодир Махдум эса «Таржимон» газетасининг ўқувчиларидан эдилар. Шунингдек, Аҳмад Дониш ҳамда Озарбайжон ёзувчиси Ҳожи Марофийнинг асарларида акс этган илғор маърифатпарвар ғоялар ҳам Садриддин Айний ва унинг дўстлари дунёқарашида ўзгаришлар ясайди. Натижада бухоролик бир гуруҳ ёшлар жамиятни ислоҳ қилиш мақсадида жипслашадилар ва жадид мактаби ташаббускорларига айланадилар. Айний: «Бу мактаб «Абдуқодир Шакурий» мактаби эди. Ушбу мактаб 1903 йил Шакурийнинг ташаббуси билан Самарқандда, Ражаб Амин қишлоғида, Қўшҳовуз гузарида жойлашган Муҳаммад Раҳимбой ҳовлисида очилган эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мулла Саид Аҳмад Васлий бу мактаб учун китоблар нашр этиб, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб турган», дея маълумот беради.

Абдуқодир Шакурий мактабидан ўрнак олиб, Айний, Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий ва Ҳамидхўжа Меҳрий каби тараққийпарварлар 1908 йил 23 октябрда Бухоро шаҳрининг «Дарвозаи Саллоҳхона» гузарида жойлашган Мирзо Абдулвоҳид Мунзим уйида форсий (тожик) тилида таълим берувчи жадид мактаби очадилар. Бу пайтда Айний Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган татар зиёлиси Низом Собитий мактабида муовин вазифасида ишларди. Табиийки, янги мактабда самарали ўқитишни ташкил этиш учун дарслик, қўлланма ва адабиётларга зарурат туғилади. 1909 йил март ойида бир қатор маърифатпарварлар ҳамкорликда «Ширкати Бухоройи шариф» («Бухоройи шариф ширкати»)га асос соладилар ва ширкат муассислигида жадид мактаблари учун «Тартил ул-Қуръон» («Қуръони Каримни ўқиш ва талаффуз қилиш қоидаларини ўрганишга бағишланган китоб»), «Заруриёти диния» («Диннинг зарурати») ва «Таҳсиб ус-сибён» («Болалар тарбияси») номли китоблар нашр эттиришади. Тез фурсатда халқ орасида обрў қозонган Садриддин Айний ва Абдувоҳид Мунзим мактаби Бухоронинг мутаассиб уламолари қаршилигига учрайди. Ҳукуматнинг аралашуви билан 1909 йили мактаб фаолияти тўхтатилади. Бундай вазиятда жадидлар маорифни ислоҳ қилишга оид дастурларининг кейинги босқичларини амалга оширишга киришадилар ва «Тарбияйи атфол» жамиятини тузадилар. Бу жамият илмга чанқоқ ёшларга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб, Туркия ҳамда Россиянинг Қозон, Уфа, Боғчасарой шаҳарларида таҳсил олишга кўмаклашган. Шунингдек, Туркия, Эрон ҳамда Россия мусулмон шаҳарларида нашр қилинган матбуот намуналари билан бухороликларни таништириб, ўринсиз сарф-харажатлардан тийилиб, шу маблағни фарзандларини илмли қилишга сарф қилишга даъват этган. Жамиятнинг ташаббуси билан 1912 йил 11 мартдан Янги Бухоро (Когон)да форс-тожик тилида «Бухоройи шариф» газетаси чоп этилиши йўлга қўйилди ва 1913 йил 12 январгача 153 та сони чиқди. Мазкур жамият 1910-1917 йилларда маърифатпарварлик ишлари, янги усул мактабларини ташкил этиш, таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш учун курашган бўлса, 1917 йилга келиб сиёсий ташкилот тусига кирди. Шу йилнинг февраль ойида Россияда амалга оширилган давлат тўнтариши Туркистон минтақасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Натижада Бухоро жадидлари ҳам ўнг ва сўл гуруҳга ажралдилар. Бу ҳақда Айний: «Февраль инқилобидан кейин жамиятимиз уч марта йиғилди. Бу уч йиғилиш ҳам жанжал билан ўтди. Мен таклиф қилдимки, жамият махфий ҳолда турсин, лекин ҳозирги талабга мувофиқ маълум бир аниқ дастур тузиб, аъзоларнинг сонини кўпайтириш керак. Жамият аъзолари очиқ ва ярим очиқ ҳаракатларга қатнашавермасинлар. Лекин йўлйўриқларни жамиятдан олсинлар, мен деҳқонлар орасида ташвиқот ўтказиш масалаларини қўйдим ва модомики, ислоҳотнинг бир қисми ер солиғининг ислоҳоти экан, бу тўғрисида деҳқонларни тайёрлаш керак, – дедим», деб ёзади.

> 1920 йил июнда Айний «Ёш бухороликлар» партияси етакчиси Файзулла Хўжаевнинг таклифига биноан Тошкентга чақириб олинади. 1920 йил сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, Садриддин Айний шу йилнинг 17 октябрида Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф Нозири Қори Йўлдош Пўлатовга мактуб йўллаб, Бухорода янги усулдаги мактаблар ташкил қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён этади.

Бу даврда Бухоро амири Сайид Олимхон 1917 йил 7 апрелда ислоҳот фармонини имзолайди. Шу муносабат билан муҳокамага йиғилган жадидлар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Қори Ҳайдарбеклар ҳам бор эди. Афсуски, муҳокамада ислоҳотга нисбатан фикрлар қарама-қаршилиги юзага келади. Амир Олимхоннинг бу ислоҳотига қарши ташкил этилган намойишда айрим жадидчилик ҳаракати вакиллари ҳам иштирок этади. Намойишда иштирок этмаган бўлса-да, 9 апрель куни Садриддин Айний ҳам ҳибсга олиниб, 75 дарра калтакланади. Муваққат ҳукумат аралашуви билан тутқинликдан қутулган Садриддин Когондаги шифохонада 52 кун даволанади ва тузалгач, Самарқандга кўчиб ўтади. Айнийга Абдуқодир Шакурий ўз уйидан жой бериб, Саидбилан мулоқот қилади, тарихий ёдгорликлар билан танишади. Кейинчалик «Меҳнаткашлар товуши» газетасида кўрган-кечирганлари асосида ёзилган «Тошкент хотиралари» мақоласи эълон қилинади. 1918 йил 22 октябрда Тошкентдан Самарқандга қайтган Садриддин мактабда ўзбек-тожик тили адабиёти ва тарихидан дарс бера бошлайди. 1919 йилдан Самарқанд маориф бўлимида масъул лавозимда иш бошлаб, бошланғич синфлар учун «Соли нахустин» («Биринчи йил») алифбе китобини ёзади. 1918-1920 йилларда Самарқандда тожик тилида чиқадиган «Шуълаи инқилоб» («Инқилоб шуъласи»), «Болалар йўлдоши», «Таёқ» журналлари ва «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон», «Ҳуррият» газеталарида мақолалари билан иштирок этади. Биргина «Шуълаи инқилоб» ҳафталик журналида Айнийнинг «Син Мим», «Қоф-Син», «Син Хо», «Син», «Хо», «Син Қоф», «Сод Айн» ҳамда «Сод Айний» имзоси билан 67 та мақоласи, 30 дан ортиқ шеър ва мақолалари чоп этилган. Айний «Таёқ» журнали, «Меҳнаткашлар товуши» газетаси ва бошқа матбуот нашрларида ҳам «Сарсон», «Фуртакигўй», «Толесиз», «Азғич», «Таёқ», «Зимғойиб», «Бузина», «Баттол», «Рўзадор» каби имзо ва тахаллуслар билан ҳажвий шеърлар ҳамда мақолалар чоп эттирган. 1920 йил июнда Айний «Ёш бухороликлар» партияси етакчиси Файзулла Хўжаевнинг таклифига биноан Тошкентга чақириб олинади. 1920 йил сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, Садриддин Айний шу йилнинг 17 октябрида Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф Нозири Қори Йўлдош Пўлатовга мактуб йўллаб, Бухорода янги усулдаги мактаблар ташкил қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён этади. Жумладан: «Туркистонда янгидан нашр қилинган китоблар қўлга киритмоқ ила баробар қаноат қилатурган бир даражада тил ва имло жиҳатидан Бухоро ўзбекларига мувофиқ эмасдир, хусусан, сўз таълими жиҳатдан ҳам кўп мушкилотларга учраш мумкин. Чунки кўпчилик нашр қилатурган дарсликлар усмонли турклар, татарлар ва чиғатой шевалари асосида ёзилган бўлиб, ҳатто туркистонлик маҳаллий ўқувчи болалар учун ҳам бу китобларнинг тили оғирлик қилади», дейди. 1921-1923 йилларда эса Айний Бухоро Халқ Совет Республикасининг Самарқанддаги консулхонасида маслаҳатчи бўлиб ишлайди. 1923 йилда ушбу консулхона ёпилгач, Айний 1925 йилга қадар Самарқанддаги Бухгосторг (Бухоро савдо уйи)да мудир вазифасида фаолият юритади. 1926 йилнинг 15 июнидан 1933 йилнинг сентябригача эса Тожикистон давлат нашриётига муҳаррир, илмий ва адабий консультант лавозимида ишлайди. Шунингдек, Айний ва Фитрат ташаббуси билан 1927 йилда Самарқандда Олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ) таъсис этилиб, олийгоҳда ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси ташкил этилади. Айний 1936-1938 йилларда 15 минг сўздан иборат тожик адабий тили луғатини тузади. 1939 йилга келиб, Душанбе шаҳар Советига депутат, 1943 йил 4 ноябрда тузилган Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясида академик этиб сайланади. 1946 йилдан 1950 йилгача СамДУнинг ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилган. 1951 йилда Тожикистон Фанлар академияси ташкил этилгач, унинг биринчи президенти этиб сайланган. Ижоддан ажралмаган ҳолда турли вазифаларда ишлаган маърифатпарвар адиб таржима билан ҳам шуғулланади. 1921 йили Абу Тоҳирхожа форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган «Самария» (Абдулмўмин Сатторий) асари 1925 йили Айний томонидан таҳрир қилинган ва нашрга тайёрланган. Бу асар ҳозирда Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Адиб Фердинанд Дюшеннинг «Ҳилол», М.Булленинг «Инқилобий курашларда хотин-қизлар», Виктор Гюгонинг «Сеҳрли сарой» асарларини ўзбек тилига моҳирона таржима қилган. Бундан ташқари, ўзидан кейинги авлодга «Бухоро манғит амирлигининг тарихи», Бухоро жаллодлари ҳақида», «Тожик адабиётидан намуналар», «Қул бобо ёки икки озод», «Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си ҳақида» «Судхўрнинг ўлими» каби ўнлаб илмий ва бадиий асарлар мерос қолдирган.

Истеъдодли адиб, шоир ва олим Садриддин Айний 1954 йил 15 июнда Душанбе шаҳрида 76 ёшида вафот этган. Садриддин Айнийнинг илмий меросига дунё илмий жамоатчилиги юксак баҳо берган. Садриддин Айний ўзбек адабиёти ва тарихи, миллатнинг маърифати, тафаккури ривожига қўшган ҳиссаси қадрланиб, 2001 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган. Шунингдек, ўзбек ва тожик тилларида бирдек ижод қилгани учун «Тожикистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган.

Дилноза ЖАМОЛОВА,
Тарих институти докторанти,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

БУХОРОДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ ЮНЕСКО ЭЪТИБОРИДА



Ваколатхона раҳбари Сара Ношади хоним Бош вазир ўринбосари – Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов ҳамроҳлигида кўҳна ва боқий Бухородаги маданий мерос объектларида бўлди.

Меҳмонлар Бухоронинг тарихий қисмидаги «Арк» қалъаси, Масжиди Калон, Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасалари, «Нодир Девонбеги» мадрасаси, «Хўжа Калон» масжиди ва «Хўжа Калон» ҳовузи каби маданий мерос объектларида олиб борилаётган таъмирлаш-тиклаш, реставрация ишлари билан танишди. Шунингдек, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчасида қурилаётган замонавий меҳмонхоналар кўздан кечирилди.

Азиз Абдуҳакимов Бухоронинг тарихий қисмида жойлашган маданий мерос объектлари, шунингдек, Когондаги Амир Олимхон саройи реставрацияси, унинг таъмирланишига доир мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Масъулларга Бухорода ташкил қилиниши кутилаётган «Туризм шаҳарчаси» бўйича таклифлар тайёрланиши бўйича топшириқлар берилди.

Бухородаги Туризм ва маданий мерос техникуми ҳам эътибордан четда қолмади. Айни дамда бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Таъмирлаш ишларини жорий йилнинг ноябрь ойига қадар якунлаш бўйича топшириқлар берди.

ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан «Заковат» интеллектуал клуби нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда Агентлик тизимидаги мактаблар иштирокида «Заковат» ўйинининг республика босқичи ташкил этилди.

Унда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент, ижод ва таянч ихтисослаштирилган мактабларнинг жами 26 та терма жамоаси иштирок этди. Ҳар бир жамоа 7 нафар иштирокчидан иборат бўлди.

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларида ҳафтанинг ҳар сешанба куни «Заковат» интеллектуал ўйинлари ўтказилиб келинмоқда. Унда ўқувчилар катта қизиқиш билан иштирок этмоқда.

Ушбу ўйинларда энг юқори натижа кўрсатган ёшлар иштирокида ҳар бир мактаб кесимида терма жамоалар шакллантирилган бўлиб, улар айни дамда ўйиннинг финал босқичида иштирок этдилар.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги тегишли қарорининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик тизимидаги мактабларда «Заковат» клублари ташкил этилган.

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ўқув даргоҳларининг ёшлари иштирокидаги «Заковат» ўйини ғоят қизиқарли, завқли кечди.

Интеллектуал беллашув якунига кўра, 1-ўрин – Наманган шаҳридаги Президент мактабига насиб этди. 2-ўрин Абдулла Орипов номидаги ижод мактабига, 3-ўрин Самарқанд шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиларига берилди.

«Заковат» интеллектуал ўйинининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоа аъзоларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Шу билан бирга «Заковат» интеллектуал клуби нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ғолиб жамоа аъзоларига бир йил давомида «Заковат» стипендияси тўлаб берилиши ҳам кўзда тутилган.

Н.УСМОНОВА, ЎзА

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz


«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№35 (1184)
12 октябрь 2022 йил, чоршанба

Статистика



НЕЧТА ЁДГОРЛИК ХОТИРА МУЗЕЙЛАРИ БОР?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йил 1 январь ҳолатига республикамизда жами 127 та музейлар мавжуд бўлиб, шундан 12 таси ёдгорлик хотира музейлари турига мансуб. 2021 йилда ёдгорлик хотира музейлари орасида энг кўп ташриф буюрувчиларга эга топ-3 музейлар:
«Ғалаба боғи» ёдгорлик хотира музейи – 641,4 минг киши;
Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек уй-музейи – 11,4 минг киши;
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи – 6,2 минг киши.



Абдулла ҚОДИРИЙ

Миллатимга бир қаҳор

Кел эй миллат, бир кун бир маслаҳат билан қарор ўлсун,
Бу кундин ўтган ишларга пушаймон бирла ор ўлсун.

Қилайлик бул куни ҳайрат ҳама бирдан қилиб ҳиммат,
Жаҳолат чўл саҳросида минбаъд сабзавор ўлсун.

Бу нодонлик биза қилмиш эди тўрт фаслни қишдек,
Жаҳонни зимистони дўнуб фасли баҳор ўлсун.

Аяшмай кумуш-олтунни ҳамма боёнлар асло,
Солиб дорилфунунлар ҳам макотиблар ҳазор ўлсун.

Ўқушсун миллат авлоди бизни доим дуо айлаб,
Қилиб таҳсил улумларни фунуна яхши ёр ўлсун.

Очайлук жамиъатлар, кўб йиғайлик ҳам иноятлар,
Ки токи ятим ва бечора бекасға мадор ўлсун.

Неча чоғлар бўлубдурким, қочибмиз биз тараққийдин,
Бу кун бир илтифот бирлан бу йўлға бир гузор ўлсун.

Жаҳолат сассиғи бизни ҳамиша беҳузур этди,
Бу кун илмнинг бўйи бирлан димоғлар мушкибор ўлсун.

Бизнинг жоҳиллигимизни кўриб ул шод бўлганлар,
Кўриб машғулиятимизни илмға шармисор ўлсун.

Кимиким журъат айлаб, бул каломларға амал қилса,
Жаҳонда исми ани паҳлавон номдор ўлсун.

Бу кун мен сўзладим оз нутқ сиза то Қодир ўлгунча,
Илоҳи айласун таъсир шу сўз сизга бакор ўлсун.

ФИКР АЙЛАҒИЛ

Оқило фикр айлағил, ки на ишлаюр аҳли ватан,
Қайси фосиқ, қайси жоҳил, қайсиси бўлди чапан?

Қилдилар бир-бириға душманликни ҳар вақт беибо,
Бир-бирини айбин очмоқға киришдилар бажан.

Ер сотарлар элда неча тўй бажо этмак учун,
Чунки бидъатин йўлида ҳам фидодур жону тан.

Пулни кўб исроф этармиз, бизға тўғри келмағай,
Тўлибон тошти бу вақт ул ақчалардин рестўран.

Занлари соҳибжамолу ҳам сатанг деб ўйлама,
Еб-ичиб жир битмаган андоқ сигири белабон.

Қизларин бўйнида кўруб зебигардон ҳам тумор,
Ўйламангиз олима деб жумласи нафъсиз, зиён.

Тушса пул қўлиға гар, соатча тўхтаб турмагай,
Чунки нодонни қўлида мушт туфроқдур суман.

Қодирий наздингиза оз ҳасратидин сўйлади,
Айб этуб қилманг ҳақорат, муҳтарам аҳли ватан.

АҲВОЛИМИЗ

Кўр бизнинг аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамиз,
Жойи келган чоғида виждонни пулға сотамиз.

Ўғлимизға на адаб, на фан, на яхши сўйламак,
На худони буйруғи бўлган улум ўрготамиз.

Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда,
Ўнтадин бедона боқиб ёзу қиш сайротамиз.

Ҳамда ҳар кун такяларда наша кўкнори чекиб,
Баччаға кокил солиб, оҳ-воҳ ила ўйнотамиз.

Қаримиз, боёнимиз, балки бу вақт оқвондамиз,
Ногаҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз.

Ўртадан чиқса агар миллатни яхши суйгучи,
Биз ани даҳрий санаб, тўфангча бирла отамиз.

Келингиз ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг,
Ухлаганларни агар қодир эсак уйғотамиз.

✔ Ибрат

КЕЛАЖАККА ТУТИЛГАН КЎЗГУ

Ёл болаларини дарс қилдиришга чоғланди. Аввало, уларга халақит бермаслик учун 4 ёшли ўғлини нима биландир машғул қилиш учун унга қалам ва оқ қоғоз берди. Энди дарс столидаги болалари ёнига борган эди ҳамки, қайнотасига кечки овқатини бермагани ёдига тушди.

Қайнота ҳовли четидаги кичик хонада яшар, беморлиги боис ташқарига кам чиқарди. Аёл имкон қадар қайнотасининг хизматини қилар, дуосини олар, эри ҳам унинг хизматларидан рози эди. Одатдагидек, қайнотасининг кечки овқатини бериб, ортига қайтган аёл кенжа ўғлининг нималарнидир чизаётганини кўрди. Қоғоз юмалоқ, тўртбурчак шакллар билан тўла эди

– Нима бу ўғлим, – деди эркалаб.

– Катта бўлганимда ўзим яшайдиган уйнинг хоналарини чиздим. Бу ошхона, у ерда овқатланаман, буниси ётоқхона, у ерда ухлайман, буниси меҳмонхона...", дея бир-бирига туташ бўлган шаклларни кўрсатди бола. Аёл қоғоз четида, бошқаларидан айро шаклни кўриб:

– Буниси-чи?

– Бу хона сизники, у ерда сиз бобомдек катта бўлганингизда яшайсиз, – деди.

Аёлнинг бошидан муздек сув қуйилгандек бўлди. Эртаси куни биринчи қилган иши меҳмонлар учун безатилган хонага қайнотасини кўчириб ўтказиш бўлди. Ишдан қайтган эри бу ҳолни кўриб, ҳайратланди.

Буни сезган аёл:

– Қариганимизда яшашимиз учун жой ҳозирлаяпман, – деди.

Эр ҳам гап нимадалигини тушуниб, жилмайиб қўйди.

Шу куни бутун оила бир дастурхон атрофида овқатланишди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

✔ Таълим

ЭНДИ ДУБЛИКАТ ОЛИШ ОСОНЛАШДИ

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом) дубликатларини олиш истагини билдирган фуқароларга онлайн мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизмати маълум қилмоқда.

Эндиликда фуқароларнинг таълим муассасаларига боришларига ҳожат қолмади. Фуқаро Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz орқали онлайн ёки ўзига яқин жойдаги Давлат хизматлари марказларига бориб диплом дубликатини олиш учун сўровномани тўлдиради. Ортиқча ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмайди.

Мурожаат этилган кундан бошлаб ўн иш кунида ваколатли органдан диплом дубликатини олиб кетиши ёки фуқаро почта хизматидан фойдаланган тақдирда ўн беш иш кунида унинг яшаш манзилига етказиб берилиши мумкин.

ЎзА

«INNOWEEK» – ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Жорий йил 17-21 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, жорий этиш ҳамда унинг натижаларига бағишланган «InnoWeek» халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги ўтказилади.

Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотига кўра, «Барқарор ривожланиш учун яшил инновациялар» мавзусида бўлиб ўтадиган мазкур ҳафталик доирасида Халқаро технологиялар кўргазмаси ташкил этилади. Унда муқобил энергетика тизимлари, биотехнологиялар, кимё саноати, робототехника, атроф-муҳит муҳофазаси, материалшунослик йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот намуналари ва тижоратлаштиришга тайёр ишланмалар намойиш этилади.

«InnoWeek» – инновацион ғоялар ҳафталигида дунёнинг 50 дан ортиқ давлати ва халқаро ташкилотлар, 100 дан ортиқ компаниялар, 40 га яқин хорижий ташкилотларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Тадбирда қатнашишни хоҳлайдиган инновацион ғоя эгалари, тадбиркор ва инвесторлар «innoweek.uz» сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтиши ва батафсил маълумот олиши мумкин.

ЭНГ ЯХШИ ТАШАББУСЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Фарғона вилоятида уч ой мобайнида олиб борилган "Ўзбекистонда савдони ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси ниҳоясига етди.

Лойиҳа якунига бағишланган тадбирда Андижон, Наманган вилоятларидан ҳам ташриф буюрган тадбиркор аёллар иштирок этди.

"Тадбиркор аёл" ассоциацияси раиси ўринбосари Бурҳон Шерматовнинг таъкидлашича, "Ўзбекистонда савдони ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси қисқа вақт ичида ўз бизнесини бошлаётган қишлоқ аёлларининг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта ҳисса қўшиш баробарида ташқи бозорни эгаллаш учун тайёрланган стартапларини қўллаб-қувватлаш ва бизнес ташаббусларини рағбатлантириш йўлларини аниқлашга имкон берди.

– Лойиҳа доирасида экспортбоп ва иш ўринларини яратиш учун харидоргир бешта маҳсулот – қуритилган мева ва сабзавотлар, ёнғоқ ва ерёнғоқ пастаси, мева пюреси ҳамда мошни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Ўтказилган тренинглар давомида 90 нафар аёл ушбу йўналишлардан бирини танлаб бизнес-режа тақдим этди. Бугун энг яхши ташаббус эгалари деб тан олинган 8 нафар хотин-қиз грант маблағларига эга бўлди, – дейди лойиҳа менежери Шаҳноза Юсупова.

Муқимжон ҚОДИРОВ, ЎзА

✔ Изоҳ сиздан



Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat		Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 12-oktabr	+26° +12°		ochiq havo	0%
Payshanba 13-oktabr	+26° +15°		ochiq havo	0%
Juma 14-oktabr	+27° +16°		bulutli	0%
Shanba 15-oktabr	+28° +17°		bulutli	0%
Yakshanba 16-oktabr	+29° +18°		bulutli	0%
Dushanba 17-oktabr	+26° +18°		yomg'ir	20%
Seshanba 18-oktabr	+20° +14°		yomg'ir	64%

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шуҳратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Равшан МАҲМУДОВ, Абдуғаффор ОМОНБОЕВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ, Лазиз МЕЙЛИКОВ, Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адади – 5 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 1016
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 3:30

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

123456